

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАРНИНГ РИВОЖЛANIШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ибадуллаев Эргаш Бактурдиевич
Урганч давлат университети таянч доктаранти
E-mail: ergash_1990@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада туристик-рекреацион хизматлар моҳияти ва мазмуни ёритилган бўлиб, унда Хоразм вилоятининг туризм соҳаси таҳлил қилинган ва вилоятда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: туризм, рекреация, турист, санатория, туристик-рекреацион хизматлар.

Аннотация: В данной статье рассматривается сущность и содержание туристско-рекреационных услуг, а также анализируется индустрия туризма Хорезмской области и даются рекомендации по развитию туристско-рекреационных услуг в регионе.

Ключевые слова: туризм, отдых, турист, санаторий, туристско-рекреационные услуги.

Abstract: This article discusses the essence and content of tourist and recreational services, analyses the tourism sector of Khorezm region and provides recommendations for the development of tourist and recreational services in the region.

Keywords: tourism, recreation, tourist, sanatorium, tourist and recreational services

Кириш

2019 йил бутун дунё бўйича туристлар оқими 1,5 млрд. кишини ташкил қилиб сайёҳлар сони ўтган йилга нисбатан 4%га ошган ва бу туризм саноатининг узлуксиз ўсишга эришган қаторасига тўққизинчи йили бўлди[5]. Бутун жаҳон бўйича туризмнинг хизматлар соҳасидаги экспорт улуши 29 % ни, умумий экспортдаги улуши эса 7% ни ташкил қилган. 2018 йилда туризм индустрияси дунё иқтисодиётида экспортдан келадиган даромади 1,5 трлн. долларни ташкил қилиб, кимё ва ёқилғи саноатидан сўнг 3 ўринни эгаллаган. Туризмнинг ривожланиши ўз навбатида янги иш ўринларини яратади, жумладан, бугунги кунда ҳар ўнта ишчи ўрнининг биттаси ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади[4].

Республикамизда туризм йилдан йилга ривожланиб мамлакат иқтисодиётида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. 2019 йил якунларига кўра 6.748.500 нафар сайёҳ ўзбекистонга ташриф буюрган ва туристик-рекреацион хизматлар экспорт кўрсаткичи 1 млрд 313 млн АҚШ долларини ташкил қилган, бу эса ўз навбатида 2018 йилга нисбатан 26.1 % га ўсган[14].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд, айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳанинг ривожланишига ҳам туртки беради” деб таъкидлаб “2019-2025 йилларда

туризмни ривожлантириш миллий концепцияси"ни ишлаб чиқиш бўйича ҳам кўрсатма берган эдилар[13].

Сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистонда туристик-реакрацион хизматлар жадал суръатлар билан ривожланиб келмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент туманлари; Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари; Жиззах вилоятининг Зомин тумани; Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари мамлакатимизнинг туристик-реакрацион хизматлар ривожланган минтақалар ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг муҳим туристик дестинацияларидан бири ҳисобланган Хоразм вилоятида ҳозирги кундаги туристик-реакрацион хизматларни ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, истиқболли йўналишларини белгилаш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзууга оид адабиётлар таҳлили

Туристик рекреацион хизматларнинг моҳиятини халқаро миқёсда мазмун моҳияти ва вазифаларини аниқлаштириб олиш лозим. Туризмда "рекреация" атамаси дастлаб XIV асрларда, инглиз тилидаги адабиётларда илк бор қўлланилган бўлиб бўлиб, "*refreshment or curing of a sick person*" яъни "тетиклантириш" ёки "касал одамларни тузалиши" деган маъноларда ишлатилган [3].

Туристик-рекреацион хизматлар тури даврларда олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Ғарб олимларидан С.Виллиамс фикрича, рекреация туризмнинг ажралмас қисми бўлиб, улар ўртасида боғлиқлик узвий эканлигини айтиб ўтиб, ўз илмий изланишларида туризм типологиясида "рекреацион туризм" тушунчасини алоҳида туризм тури сифатида киритиб ўтган [2]. Яна бошқа бир ғарб олимларидан Чарлес Р.Гоелденер ва Ж.Р. Брент Ричиеларга кўра туристларнинг турига қараб ташриф давомида рекреация бирламчи ёки иккиласми эҳтиёжга айланиши ҳам мумкин эканлигини кўрсатиб беришган [1]. Рус олимлари В.И.Григорьев ва В.С.Симоновлар ижтимоий неъматлар назарияси нуқтаи назаридан қараб рекреацияни дам олишни мақсадли ташкил этиш орқали тегишли билим ва кўнижмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият тури сифатида ўрганганлар[6].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Қ.Пардаев рекреацияни тармоқ сифатида олиб, дам олувланинг сарфлаган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини, саломатлигини қайта тиклашга, қолаверса, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматлар йиғиндиси деб ҳисоблаб, бу фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган барча субъектлар мажмуини эса "рекреацион тизим" деб атаган[8]. И.Тухлиев, F.X.Құдратов, М.Қ. Пардаевларга кўра рекреацион туризм дам олиш мақсадидаги туризм бўлиб, қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли ҳисобланади ва дам олиш мақсадида сафарлар ҳилма-хиллиги билан фарқланади ҳамда қизиқарли томоша дастурлари, машғулотлар, ташриф буюрилган мамлакатнинг маданиятини ўрганиш билан боғлиқ бўлган этник саёҳатлар дея таъриф берганлар[7]. Шунингдек, З.И.Усмонова ўз ишларида "рекреацион фаолият", "рекреацион хизматлар" ва "туристик-рекреацион хизматлар" тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб берган [10].

Юқорида қайд қилиб ўтилган тадқиқотлар доирасида, туристик-рекреацион хизматларнинг ўзига хос жиҳатлари кенг ёритилган бўлса-да, айнан мамлакатимизнинг Хоразм вилоятида туристик-рекреацион хизматларни

ривожлантириш бўйича етарлича тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида иқтисодий ҳодиса ва воқелик жараёнларини ўрганишнинг – кузатиш, кабинет тадқиқотлари, анализ ва синтез, гурӯхлаш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуслари, статистик таҳлил, индукция, дедукция усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда мамлакатмизда туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва уни изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда[12].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туристик-реакрацион хизматларни ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Республикамиз бу борада катта салоҳиятга эга мамлакатлардан ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризик-реакрацион хизматларнинг ривожланиши

№	Рекреация муассасалари	2014		2015		2016		2017		2018		2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариш (+,-)
		Йил										
1	Санаторийлар ва дам олиш муассасалари сони Уларда ўринлар (жойлар), мингта	387	392	434	460	484	484	460	484	484	484	97
	Шундан	56.8	58.2	57.3	57.1	59.2	59.2	57.1	59.2	59.2	59.2	2.4
2	Санаторийлар сони Уларда ўринлар (жойлар), мингта	103	111	116	119	128	128	119	128	128	128	25
3	Санаторий-профилакториялар Уларда ўринлар (жойлар), мингта	15.6	16.8	16.6	17	19.4	19.4	17	19.4	19.4	19.4	3.8
4	Санаторий-профилакториялар Уларда ўринлар (жойлар), мингта	59	56	62	63	73	73	63	73	73	73	14
5	Дам олиш уйлари, дам олиш базалари ва пансионлар сони Уларда жойлар, мингта	5.5	5.2	5.4	5.2	6.7	6.7	5.2	6.7	6.7	6.7	1.2
	Саёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалар сони Уларда жойлар, мингта	53	53	52	59	84	84	59	84	84	84	31
	Саёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалар сони Уларда жойлар, мингта	5.3	5.1	4.9	5	5.5	5.5	5	5.5	5.5	5.5	0.2
	Саёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалар сони Уларда жойлар, мингта	172	172	204	219	199	199	219	199	199	199	27
	Саёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалар сони Уларда жойлар, мингта	30.5	31.1	30.5	29.9	27.7	27.7	29.9	27.7	27.7	27.7	-2.8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал маълумотларидан мамлакатнинг умумий санаторийлар ва дам олиш муассасалар сони 2014-йилга нисбатан 97 тага кўпайиб 2018 йилда 484 тани ташкил қилган ва ўз навбатида улардаги ўринлар сони ҳам 5 йил давомида 2.4 мингтага ошган. Объектлар сони бўйича энг катта ўсиш дам олиш уйлари, дам олиш базалари ва пансионларга тўғри келган (31 та), жойлар сони бўйича энг кўп ўринлар санаторийларда ташкил қилинган (3.8 минг).

Тадқиқот жараёнида рекреантларнинг республика бўйлаб рекреация объектларига жойлаштиришни вилоятлар кесимида таҳлил қилдик. Ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент вилояти катта ўсишга эришиб, 2018 йилда 110966 мингта рекреант жойлаштирилган. Ўсиш даражаси бўйича Жиззах вилояти беш йил давомида 70.4%

билин етакчилик қилган. Хоразм вилояти 2018 йилда 5736 та мижозга хизмат кўрсатилган ва 5 йил давомида 38,2% ўсишга эришган (2-жадвал).

2-жадвал

2014-2018 йилларда ҳудудлардаги рекреация обьектларига жойлаштирилган рекреантлар (минг киши)

Ҳудулар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши (%да)
Ўзбекистон Республикаси	291602	310241	334791	355671	426571	146.2
Қорақалпоғистон Республикаси	5684	5451	6197	6687	7094	124.8
Вилоятлар						
Андижон	6078	4845	4477	5622	8425	138.6
Бухоро	7586	7619	7927	8620	9688	127.7
Жizzах	13659	15633	20585	21038	23277	170.4
Қашқадарё	9196	10909	11469	8317	9620	104.6
Навоий	8921	8995	9023	12288	11542	129.3
Наманган	43386	46207	50206	56811	56679	130.6
Самарқанд	14123	15425	16887	18755	21273	150.6
Сурхондарё	6890	6965	7557	7203	14367	208.5
Сирдарё	598	278	145	159	-	-
Тошкент	77489	90728	93214	1009933	110966	143.2
Фарғона	59726	57165	61759	65403	94100	157.5
Хоразм	4149	3837	3986	3938	5736	138.2
Тошкент ш	34117	36184	41359	39897	53804	157.7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Хоразм вилояти ўзининг катта туризм салоҳияти билан мамлакатимизнинг асосий туристик дестинацияларидан ҳисобланади. Вилоятда 259 та модди- маданий мерос обьектлари мавжуд бўлиб, шундан 17 таси археология ва 154 та архитектура обьектлари, 80 та монументал санъат ёдгорликлари, 2 та музейлар ва 6 та туристларни ўзига жалб қилувчи диққатга сазовор жойлар мавжуд[9].

Хоразм вилояти туризмининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш жараёнлари шуни кўрсатдики, сўнгги 3-4 йилда ушбу соҳа сезиларли даражада ривожланган. Жумладан, вилоятда жойлаштириш воситалари 2019 йилда 87 тага ошиб, 2017 йилга нисбатан 2.7 баробар, 2018 йилга нисбатан эса 2.2 баробарга ўсан. 2019 йилдан бунёд қилинган 87 та жойлаштириш воситаларидан 59 таси оиласиий меҳмонхоналарни ташкил қилган. Бунда, албатта, давлат томонидан туризм соҳасига берилаётган имкониятларнинг ўрни катта. Кўп йиллардан бўён талаб мавжуд ҳисобланган янги хизматлар, яъни туристик аҳборот марказларининг кўпайиши мамлакатда туристларга, айниқса, якка ҳолда саёҳат қилувчиларга яратилган яна бир қўлайлик бўлган. Сайёҳлик ташкилотларининг сони ҳам ортиб, 2017 йилга нисбатан 2,6 баробарга, 2018 йилга нисбатан эса 1.7 баробарга ошган (3-жадвал).

З-жадвал

2009-2019 йилларда Хоразм вилоятида туризм хизматларини ривожланиш тенденциялари


№	Йиллар	Жойлаштириш воситалари сони (умумий)	Сайёхлик ташкилотлари	Кўрсатилган хизматлар хажми (млрд сўм)
1	2009	17	2	29,31
2	2010	22	3	26,65
3	2011	25	4	36,77
4	2012	30	7	55,62
5	2013	36	10	86,73
6	2014	51	16	83,14
7	2015	59	17	87,57
8	2016	72	20	113,86
9	2017	56	22	133,7
10	2018	69	34	394,30
11	2019	152	58	657,20

Манба: Туризмни ривожлантириш Даевлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

З-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятга ташриф буюрувчилар сонининг ортиши билан кўрсатилган хизматлар миқдори ҳам ўтган ўн йилликда сезиларли даражада ошиб, 2019 йилда 657,20 млрд сўмни ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 20 баробардан зиёд, 2018 йилга нисбатан эса 1,6 марта ошган. Бундай катта ўсиш тенденциясини сайёхлик ташкилотлари сонида ҳам кўришимиз мумкин. 2009 йилда вилоятда туроператорлар сони атиги 2 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилда эса уларнинг сони 34 тага етган, 2019 йилда 58 тани ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йилдаги ПФ-5326 сонли “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида туризм соҳасига берилган имтиёзлардан унумли фойдаланилган ҳолда вилоятда 115 та намунавий санитария-гигиена шаҳобчалари ва 17 та туризм обьектларида бепул Wi-Fi ҳудудлари ташкил қилинди[9]. Вилоятда сўнгги йилларда туризм соҳасининг ривожланиши, туристик хизматларининг сифат жиҳатдан такомиллашуви воҳага ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сонининг ўсишига олиб келган (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, 2016 йилда жами туристлар сони 754,8 мингни ташкил қилган бўлса, мос равишда 2017 йилда 1,151,300 турист, 2018 йилда 1,653,200 ва 2019 йилда 2,645,800 та туристни ташкил қилган. Тадқиқот ишимизда шу нарса кузатилдики, диаграммада берилган давр мобайнида хорижий туристлар сони ҳам маҳаллий туристлар сонида ҳам ўсиш кузатилган. 2016 йилда хорижий туристлар сони 46,6 мингни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 420,8 мингни ташкил қилиб, деярли ўн баробарга ошган. Вилоятга ташриф буюрган маҳаллий туристлар сони 2016 йилда 708,2 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 2,225,000 ни ташкил қилган.



1-расм. 2016-2019 йилларда Хоразм вилоятига ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий туристлар сони (минг киши)

Манба: Хоразм вилояти туризмни ривожлантириши департаменти маълумотлари асосида тайёрланди.

Сўнгги 3-4 йилда ҳукуматимиз томонидан туризм соҳасига оид 80 га яқин меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ўз навбатида ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожланаётганлиги туристлар оқимини кўпайтирмоқда. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан Хоразм вилоятига ташриф буюрган туристлар сони 82% га ўсганлиги ҳам бунга ёрқин мисол бўлади.

Хоразм вилоятида жойлашган Хива “Иchan қалъа” дунёга “очиқ осмон остидаги” музей-қўриқхонаси вилоятга ташриф буюрувчиларнинг асосий дестинациялардан бири ҳисобланади. Вилоят нафақат тарихий-маданий ва танишув туризми ресурсларига бой, балки экологик туризм, қишлоқ туризми гастрономик туризм, экстремал туризм, тиббиёт туризми каби истиқболли йўналишили туризм турларини ривожлантириш имконияти мавжуд.

Тадқиқот жараёнида Хоразм вилоятида туристик-реакрацион хизматларни ривожланишининг бугунги ҳолати ва улардан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилдик. Жумладан, вилоятда қўйидаги йўналишларда туристик-реакрацион хизматларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчи йўналиш: Боғот туманида жойлашган “Қалажиқ оромгоҳи соғломлаштириш” маркази ҳисобланади. Ушбу соғломлаштириш маркази 3000 минг йиллик тарихга эга бўлган “Қалажиқ қалъа” атрофидаги кўл ёнида жойлашган. Ушбу кўл мазкур жойнинг муҳим туристик-реакрацион обьекти ҳисобланаб, унинг суви турли хил минерал моддаларга бой бўлиб, сувда чўмилиш, қирғоқ балчиғида ётиш, қўмга қўмилиш ва қуёшда тобланиш инсонда қон айланишини тизимини яхшилайди, асабни тинчлантиради, бўғим ва айрим тери касалликларини даволашда самарали фойда беради;

Иккинчи йўналиш: вилоятнинг “Шовот” канали қирғоқида жойлашган больнеологик курорт “Хонқа” санаторийси ҳисобланади. Ушбу санатория кўп

йиллардан бери ташриф буюрувчиларга кардиологик, неврологик ва ҳаракат таянч аъзолари касалликлари билан самарали қурашишга ёрдам беради. Ушбу санатория бром, йод ва бошқа микроэлементлар билан тўйинтирилган маъданли шифобахш суви билан машҳур ҳисобланади.

Учинчи йўналиш: вилоятнинг туристик-реакрацион хизматларидан бири Шовот туманида жойлашган “Шовот Оби-ҳаёт” санаторияси ҳисобланади. Санаториянинг дараҳт ва ўсимликлар билан ўралганлиги ва сув бўйида жойлашганлиги дам олувчиларни мусаффо ҳаво билан таъминлайди. Ушбу сиҳатгоҳнинг бошқа масканлардан фарқли жиҳати бу ерда маҳсус шифобахш дамламалар тайёрланади.

Бундан ташқари, ушбу масканда ўз соғлигини қайта тиклашни хоҳловчиларга санатория игна-терапия, гидромассаж, магнитотерапия ва бошқа инсонни тетиклаштирувчи хизматларни таклиф қиласди. Шунингдек, санаторияга ташриф буюрувчилар шифобахш балчиқ, бассейн, вибромассаж, сауна, треножёр зал хизматларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Хоразм вилоятида фаолият олиб бораётган юқорида келтирилган асосий иккита “Хонқа” ва “Шовот Оби-ҳаёт” санаторияларининг салоҳиятини қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

“Хонқа” ва “Шовот Оби-ҳаёт” санаторияларининг салоҳияти

Эгаллаган ҳудуди	Жами хоналар сони	Люкс хоналар сони	Ўртacha даволаниш давомийлиги	Бир кунлик даволаниш тўлови	Йиллик ўртacha қабул қуввати
Хонқа санаторияси					
20 гектар	46 та	6 та (1 кишилик) 7 та (2 кишилик)	12 кун	Оддий (140-160 минг сўм) люкс (200 минг сўм)	350-400 та
Шовот Оби-ҳаёт санаторияси					
11 гектар	108 та	10та (1 кишилик) 20та (2 кишилик)	10-12 кун	Оддий (100 минг сўм) Люкс (120 минг сўм)	950-1000 та

Манба: Санаториялар маъмурияти билан суҳбат маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тўртинчи йўналиш: Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан Хоразм вилоятида туристик-реакрацион хизматларни янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятнинг кўплаб туманларида кўнгил очиш ва кўчма дам олиш масканлари фаолиятини йўлга қўйиш учун катта салоҳият мавжуд эканлигини эътиборга олиниб, ҳудудий департамент томонидан чора тадбирлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, вилоятнинг Бофот тумани Бешариқ қишлоғи “Гулшан” маҳалласи, Хўжалик қишлоғи “Қалажиқ қалъа” маҳалласи, Урганч тумани Юқори Дўрман қишлоғи, Ўрмон хўжалигининг Урганч туманига қарашли ҳудуди, Гойбу қишлоғи “Туркманлар” маҳалласи ғозовот канали қирғоқларида, Шовот тумани Чўқли қишлоқ “Моноқ” маҳалласи, “Чиғатой қалъа” қишлоғи ҳудудларида Тупроққалъа тумани

“Шарлауқ” маҳалла ҳудуди, “Саримой” қишлоқ ҳудудларида, Гурлан тумани Вазир қишлоғи “Эсабий” маҳалласида, Қўшкўпир тумани “Амирқўм” маҳалласида, Хива туманининг Чинобод қишлоғида, Янгиариқ туманининг “Чиқирчи” қишлоқи ҳудудида, Янгибозор туманининг “Бошқирших” қишлоқи кўчма дам олиш масканларини жойлаштириш учун ҳудудлар ажратилган.

Хоразм вилояти бўйича барча туманларда кўчма дам олиш масканларини жойлаштириш учун жами 70,3 га. ер майдонларини ажратилган бўлиб, уларнинг асосий ташаббускорлари сифатида асосан фермер хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар, ўрмон хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар ҳисобланади. Кўчма дам олиш масканлари учун 290 та қурилмалар сони жалб қилиниши назарда тутилган (5-жадвал).

5-жадвал

Хоразм вилоятида кўчма дам олиш масканлари жойлашадиган ҳудудлар тўғрисида маълумот

№	Туман номи	Ҳудуд манзили	Майдон (га)	Ташаббускор	Кўчма қурулмалар сони
1	Боғот тумани	Бешариқ қишлоқи “Гулшан” маҳалласи Хўжалик қишлоғи “Қалажик қалъа” маҳалласи	26,9 15,6	“Шабнам” фермер хўжалиги “Қалажиққалъа Оазис экотуризм”	18 50
2	Гурлан тумани	Вазир қишлоғи “Эсабий” маҳалласи	2,27	“Гурлан И smoилов кўли” МЧЖ	10
3	Қўшкўпир тумани	“Амирқўм” маҳалласи	7,3	Қўшкўпир т хокимлиги	15
5	Урганч тумани	Юқори Дўрман қишлоғи Ўрмон хўжалигининг Урганч туманига қарашли ҳудуди Юқори Дўрман қишлоқи Фойбу қишлоғи “Туркманлар” маҳалласи Фозовот канали қирғоқлари	1,2 2,3 1 0,5	Урганч туман хокимлиги Хоразм ўрмон хўжалиги “Акация” МЧЖ “Чап қирғоқ Амударё” ИТХБ	15 28 10 8
4	Хива тумани	Чинобод қишлоқи	5 0,06	“Валико плюс” ф.х “Болтавой оқсоқол” ф.х	20 12
5	Шовот тумани	Чўқли қишлоқ “Моноқ” маҳаллиси “Чиғатой қаъла” қишлоғи ҳудуди	0,42 1,1	Шовот туман ҳокимлиги Шовот канали ҳимоя зонаси	12 25
6	Янгиариқ тумани	“Чиқирчи” қишлоқи ҳудуди	2	Хоразм ўрмон хўжалиги	20
7	Янгибозор тумани	Бошқирших қишлоқи	0,15	Хоразм миллий табиати боғи	15
8	Тупроққалъа тумани	“Шарлауқ” маҳалла ҳудуди Саримой қишлоқ ҳудуди	1,5 3	“Амударё” дарёсининг ҳимоя зонасида “Боёт қум чорвадори” фермер хўжалиги	12 20

*Манба: Хоразм вилояти туризмни ривожлантириши департаменти маълумотлари асосида
тайёрланди.*

Бундай кўчма дам олиш масканлари туризм соҳасида айрим ҳудудларда юзага келадиган мавсумий муаммоларга ўз навбатида ечим бўлади. Бундан ташқари ушбу туристик-рекреацион хизматларни таклиф қилувчиларнинг даромадларини оширган ҳолда бозордаги талаб ва таклиф асосида қўшимча хизматларни таклиф қилишга имкон яратади ва мавсумий ишсизликнинг камайишига сабаб бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотларимиз натижасида, Хоразм вилоятида нафақат тарихий-меъморий, маданий, зиёрат, экологик, қишлоқ туризми балки туристик-рекреация хизматларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлиги аниқланди. Истиқболда вилоятнинг туристик-реакрацион хизматларини янада ривожлантириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Вилоятдаги “Қалъажиқ оромгоҳи соғломлаштириш” маркази, “Хонқа” ва “Шовот Оби-ҳаёт” санаториялари атрофида туризм инфратузмаси обьектларини барпо қилиш;
 - Вилоятнинг Эшон равот, Ғовук кўл атрофларида, Амударё ўзанида (Урганч тумани, “Чолиш” посёлкаси) янги туристик-реакрация мажмуаларини инвестициялар (хорижий ва маҳаллий) жалб қилган барпо қилиш;
 - Хоразм вилоятида кўнгил очиш ва кўчма дам олиш масканлари ташкил қилишни самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни туристик мавсум даврида доимий фаолиятини кўрсатишини ташкил қилиш;
 - Вилоятда мавжуд экотуризм ресурсларидан мақсадли фойдаланган ҳолда ушбу ҳудудларда рекреация хизматларини йўлга қўйиш, жумладан, отда сайр қилиш орқали умуртқа поғона касалликларини даволаш, Амударё қирғоқларида, тўқайзорларда мавсумий кўчма дам олиш масканларини барпо қилиш;
 - Вилоятдаги туристик-реакрацион мажмуаларини электрон вебсайтлар саҳифасини яратиш ҳамда реакрация хизматлари обьектларининг ягона электрон базасини шакллантириш;
 - Вилоятда фаолият кўрсатаётган туристик-реакрацион мажумаларининг турили хил хизматлари, тадбирлари ва дастурларини маркетинг услублари ва стратегияларини татбиқ қилиш орқали реклама-тарғибот фаолиятини ташкил қилиш;
- Умуман, истиқболда туристик-реакрацион хизматларнинг ривожланиши Хоразм вилоятининг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшиб, маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайиши, инвестициялар оқимининг ўсиши, ишчи ўринларини яратилиши, аҳоли саломатлигини яхшиланишига хизмат қиласади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Charles R, B Ritchie “Tourism: Principles, Practices, Philosophies” Twelfth edition Hoboken New Jersey, 2016y, p 21.
2. Gjorgievski, Mijalce, Saso Kozuharov, and Dejan Nakovski “Typology of recreational-tourism resources as an important element of the tourist offer” Special issue, UTMS Journal of Economics 4 (1): 2013y p53–60.
3. Stephen F. Nell R “Tourism, Recreation and Sustainability” Cromwell Press 2009y page 32.

4. Travel and Tourism Economic impact and Trends 2019. World Travel and Tourism Council.
5. World Tourism Barometer Volume 18 Issues 1. January 2020 WTO.
6. Григорьев В.И., Симонов В.С “Стратегия формирования индустрии рекреаций” –СПб: Иид по СПБГУЭФ 2006 б 3.
7. И.Тухлиев, F.X Құдратов, М.Қ Пардаев “Туризмни режалаштириш” дарслик “Иқтисод-молия” (2010) Тошкент.
8. Пардаев М.Қ ва бошқалар “Рекреацион зоналар ва экологик туризм таърифларини ишлаб чиқишида назарий ва услугий ёндашувлар” Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат күрсатиш сохаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. Анжуман материаллари. 2014-й 21-22 феврал Самарқанд
9. Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бўлими маълумотлари.
10. Усманова З.И “Ўзбекистонда туристик рекреацион ҳизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари” Phd дисс Самарқанд 2018й.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 –йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли фармони. “Ўзбекистон Республикаси туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Президент фармонининг биринчи бандида.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 –йил 2-декабрдаги ПФ-5326 сонли фармони. Lex.uz
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси Халқ сўзи газетаси 28-декабр 2018-йил
14. Ўзбекистона Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари. <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=964>.